

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI



# IMOM BUXORIY SABOQLARI



1/2024

# MUNDARIJA (2024/1)

Шовосил ЗИЁДОВ. Амир Темур ва Сукрот.....3

## ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Бахтиёр ТҮРӘЕВ. Ҳазрат Занги ота сийратини намойиш этувчи ва тарихий хотирани уйғутувчи асар.....5

Хусниддин АҲМЕДОВ. Янги Ўзбекистонда диний бағрикенглигни таъминлаш давлат сиёсатининг ажралмас кисми.....8

Kaxramon KARIMOV. Turkistonda qozi(sudya)lar tayinlanishi, tergov qilish va hukm chiqarish tarixi.....11

Axror ESHMUHAMATOV. Jizzax vohasi chorvadollarning ziyorat manzilgohlari va shifobaxsh buyumlari haqida.....13

Мұслим АТАЕВ. Шарқда дастлабки илмий марказларнинг шаклланиши ва ривожланиши.....15

Шодиёр АЛИМОВ. Самарқанд вилоятида фаолият юритган қозилар ва уларнинг Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни (XIX аср охри – XX аср бошлари).....18

Mohira BOYMIRZAYEVA. Markaziy Osijo yoshlari siyosiy faolligiga ta'sir ko'rsatuvchi omillar.....21

Ҳилола НОРМАМАТОВА. Илк ўрта асрлар Ўрта Осиё тангаларидаги қадимги туркӣ унвонлар.....23

Nodirbek QORABOYEV. Akademik Said Shermuhamedovning Toshkent davlat universiteti (O'zMU)dagi ilmiy-pedagogik faoliyati.....25

Парвина РАҲМОНОВА. Самарқанддаги Богои шамол жанги.....26

Shohruh JUMAYEV. Qo'qonda yashagan yahudiylar tarixi va bugungi kundagi faoliyati.....28

## АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Mo'min HOSHIMXONOV. Mashrab she'riyatida payg'amarlar tavsisi.....31

Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ. Мавлавий Чўбин қисмати.....33

Иброҳим УСМОНОВ. Ҳаким Термизийнинг “Ал-Ҳуқук” асарида ижтимоий хуқук масалалари.....36

Масъудхон ИСМОИЛОВ. Ҳожа Мухаммад Порсонинг калом илмига кўшган ҳиссаси.....40

Жамшид ШОНАЗАРОВ. Бехбудий ва унинг давлатчилик ғояси.....42

Feruz NARMANOV. Muştaqillik davri tarixshunosligida O'zbekistonda tarix fani va diniy ta'lim o'qitilishining yoritilishi.....44

Javohir ZAFARZODA. Abu Rayhon Beruniy asarlarda – e'tiqod masalasi.....46

Matlyuba SADULLAYEVA. Number as the essence of things: philosophy of Western and Central Asian scientists.....48

Ҳошимжон НИЗОМИДДИНОВ. “Арфу-ш-шазий” асарида қабрлар масаласи.....52

Gulnoza AXMADJONOVA. XX asr Turkiston ma'rifatparvar olimlaridan Mahmudxo'ja Behbudiy faoliyati.....53

Баҳодиржон АЪЗАМОВ. Ҳаким Термизийнинг ҳадис илмидаги тутган ўрни ва бу соҳага оид асрлари таҳлили.....55

Асилбек ХЎЖАЁРОВ. Насаф фикҳ мактаби ва Баздавий алломалар фикхий мероси (IX – XII асрлар).....57

Dildora AXATOVA. Ёшларни илм-маърифатли қилишда Абу Али Ибн Сино илмий меросининг ўрни (“Ҳайй ибн Яқъон” асари мисолида).....60

Абдулбосит МАМАДАЛИЕВ. Юртимизда фаолият юритган Булғорий алломалар.....61

نعماتوف محمد عيسى. أثر فقهاء الحنفية في تربية الشباب الشيخ إبراهيم الحلبي نموذجاً.....63

## НОДИР МАНБАЛАР

Незматулло НАСРУЛЛАЕВ. Ҳанафий фикҳига оид китобларнинг тарихий босқичлари: “Муҳтасарул викоя” асари мисолида.....66

Хусен ДЖУРАЕВ. Махмуд аз-Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-адаб” лугат асари нусхасининг Бухорода китобат килиниши тарихи.....68

Abduqahhor RAXMONOV. Abu Yusufning “Kitob al-xaroj” asarida adolatli ijtimoiy siyosat g'oyasining yoritilishi.....70

Муҳаббатхон АГЗАМОВА. “Ал-комил фит-тарих” асарини таълиф этишда “Тарих ар-руслул вал-мулук”нинг аҳамияти.....72

Dilafruz TURDIYEVA. XX-XXI asrlarda Malayziya ijtimoiy-siyosiy hayotida diniy omilning o'rnı va ahamiyati.....74

Barot AMONOV. “Sahihul Buxoriy” asari sharhlarini o'rganishning ilmiy-nazariy asoslari.....78

<b>Abrorxon ASATULLOYEV.</b> Abdurahmon Toshkandiyning “Me’yor ul-axloq” asarining qiyosiy tahlili.....	82
<b>Давронбек ҚОДИРОВ.</b> Кушайрийнинг “Нахвул кулуб” рисоласидаги ахлоқий қарашлари.....	84
<b>Акмал ЯКУБОВ.</b> Хива тарихнависларининг XVI-XIX асрларда Хоразм ва Даشت қипчоқ муносабатларига оид асарлари.....	86
<b>Ойбек ЯРМАТОВ.</b> Туркистондаги хинд фуқаролари тарихига оид манбалар таҳлили.....	88
<b>Нодир ҚОБИЛОВ.</b> “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” ҳадис тўпламининг ёзилиш тарихи ва асар бобларини тартиблаш услугуби.....	91
<b>Абдувоҳид АҲМАДАЛИЕВ.</b> Усул ал-фикҳ илмининг пайдо бўлиши ва шаклланиши.....	93

## ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Lola AZIMOVA.</b> Islom tarixiga oid qissalar va ularning syujeti (XIX asr misolida).....	95
<b>Nigora XAKIMOVA.</b> Muttasil hadislarning islom huquqida qo’llanilishi.....	97
<b>Nozima IBRAGIMOVA.</b> The etymological analysis of the notion “Ambassador”.....	100
<b>Бекжон ҚУРБНОВ.</b> Ислом хукукининг шаклланиш тарихи.....	102
<b>Алоуддин НЕЪМАТОВ.</b> Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асаридаги фикҳга оид ҳадислар таҳлили (“Фотиха” сураси мисолида).....	104
<b>Nilufar TUYCHIYEVA.</b> G‘arbda tasavvufning yangicha ko‘rinishlari.....	106
<b>Зикирullo ЯЗДОНОВ.</b> Ҳаким ат-Термизийнинг сўфиёна қарашлари ва маломатийликка муносабати.....	108
<b>Лиров شامیل عبدوفیس.</b> دور أبي حنیفة فی علم الحديث.....	110
<b>Махмуд АБДУРАХМОНОВ.</b> Ҳанафийлар мазхабида ҳадислардан далил сифатида фойдаланиш тартиблари.....	112
<b>Javohirxon SOBIROV.</b> Turkiy davlatlar tashkilotining O‘zbekiston milliy manfaatlarida tutgan o‘rnii.....	114
<b>Jasurbek ABDUQODIROV.</b> Ziyorat ob’yektlari va ularni tasniflash.....	117

## ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

<b>Sherzod RAXIMOV.</b> Ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni demokratlashtirishda elektron demokratiyaning ta’siri....	119
<b>Hakim RASULOV.</b> Sharq va g‘arb ta’limotlarida siyosiy va huquqiy madaniyat: genezisi va shakllanishi.....	121
<b>Мустафо БОЗОРОВ.</b> Миграция жараёнига дин омилиниң таъсири.....	123
<b>Sheraxon XASHIMOV.</b> O‘zbekistonning xalqaro imijini yuksaltirishda ziyyarat turizmining o‘rnii.....	126
<b>Gavhar SUVONKULOVA.</b> Huvaydo hayoti va ijtimoiy muhit.....	128

## ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

<b>Хусан ДЖУРАКУЛОВ.</b> Бугунги глобал техника-технология асрида шахс экологик онгини юксалтириш зарурияти.....	130
<b>Ойгул ШАРИПОВА.</b> “Рутбатул хаёт”да тана ва рух масаласи.....	132
<b>Ramziddin ISAKDJANOV.</b> Islom dunyosidagi falsafiy tafakkur evolyutsiyasi Ibn Sino misolida.....	134
<b>Зебинисо АХМЕДОВА.</b> Ахмад Дониш фалсафасида инсон борлиги ва олам масаласи.....	137
<b>Дилинода РАҲИМОВА, Садокат ТУРАТОШЕВА.</b> Жамият маънавий даражасини юксалтиришни моделлаштириш: ижтимоий-фалсафий таҳлил.....	139
<b>Maqsud TOSHBOVOYEV.</b> Sun’iy intellekt rivojlani-shining falsafiy tahlili.....	141

## ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

<b>Sarvar SULEYMANOV, Feruza MUSTAFOYEVA.</b> Zamonavíy yoshlar tarbiyasida yangicha yondashuvlardan foydalanish.....	144
---	-----

## МАЬНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

<b>Jonibek TANIQULOV.</b> Media axborot erkinligi: muammo va yechimlar.....	146
---	-----

## БИР ҲАДИС ШАРХИ

Ҳаёҳ хусусияти.....	148
---------------------	-----



Oltinchi bob axloq tushunchasi ma'nosidagi ba'zi tushunmovchiliklar haqida bo'lib, bunda ko'rinishi fazilatnamo, aslida esa razillikdan iborat bo'lgan tushunchalar yoritilgan. Bilmaganlar ushu holatlarni axloq deb hisoblaydi. Shu boisdan bu borada to'xtalib o'tish lozim.

Kishi dars bo'ladijan kitoblar mutolaasini tugatsa, hakimlar hikmatlaridan ko'p yod olsa, unda aql xazinasini paydo bo'ladi. Ammo biz aytgan narsalar bo'lmasa-yu, faqat hikmatsifat narsalarni aytib yursa, bunday insonlar: "Mulla oldida tabib, tabib oldida mulla" deyildi. Ya'ni bu kabi insonlar ko'plab masalalarda hujjat talab qilinadigan joylarda egrisi fikr bilan o'zini aqlli va donishmand ko'satishtiga urinadi. Lekin asl hikmat ahlidan bo'la olmaydi.

Ayrim insonlar shijoati tufayli emas, balki qaysidir g'arazli niyati, qarindoshlari malomati yoki hokim tazyiqi sabab bunday xatarli ishni bajarishga jazm etadi. Bu ishda o'zini ko'satisib, yanada ko'proq obro orttirish maqsadida shu ishda davom etadi. Bunday insonlar shijoatli insonlar emas. "Shijoatli inson – maqsad-u matlabda shijoatni niyat qilib, unga shijoat etar, lekin muayyan tuban maqsad hosili uchun emasdir" [2:56].

Sher va boshqa ayrim go'shtxo'r hayvonlar qilgan xattiharakatlar biz uchun shijoat timsoli bo'lib ko'rindi. Aslida bu hech qanday shijoat emasdir. Ularning ojizlar ustidan golib kelishi tabiat qonunidir va ularning xayolida shijoat degan narsa bo'lmaydi. Yuqorida misol keltirgan hayvonlarda avvaldan aql bo'lmasan, shu sabab ularga nisbatan shijoatni qo'llash o'rnisizdir.

Yettingchi bob axloqning ta'siri haqida bo'lib, unda ulamolarning ba'zi noto'g'ri fikrlarga raddiyasi o'rinni oлган. Uzoqni ko'ra olmaydigan ba'zi insonlar yomon xulqni tuzatish befoyda, qanday bo'lsa, shunday qoladi, deb hisoblaydi. Shu bois axloq ilmi samarali fan emas deydi. Shuningdek, ikkiti dalilni ro'kach qiladi: birinchisi – insonni zohiriy suratini

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Asatulloev A.A. (2021). Ethical views of Abdurahmon Sayoh Tashkandi (in the classification of works "Meyorul akhloq"). Oriental renaissance: innovative, educational, natural

o'zgartirib bo'lmanidek (bo'y, basti, yuzi kabilalar), siyratini ham o'zgartirib bo'lmaydi. Ikkinchisi esa – naftsoniy mayllar tabiiy hodisa bo'lib, axloqda esa o'tkinchi lazzatlardan tiyilish talab qilinadi. Bu esa imkonsizdir.

Birinchisi daliliga raddiya keltirsak. Dunyoda xalqlar va dinlar axloq tarbiyasiga zo'r bermoqda. Xususan, Payg'ambarimiz (S.A.V.) ham "Axloqlaringizni chirolyi qiling" deb marhamat qiladilar. Mushohada qilganda, insonga Yaratgan aql bergan. Ammo bundan bebahra hayvonlar ham tarbiya sabab odobga kiradi. Qaysar ot tarbiya bois jilovlanadi, tozi it ovga orgatilishi natijasida o'zgarishga yuz buradi. Zohiriy suratning botiniy surat bilan hamohang bo'lishi uchun inson o'z kuchidan bir me'yorda foydalana olish qobiliyatiga ega bo'lishi kerak.

Ikkinchisi dalilga raddiya sifatida axloqning aslini tushunish bilan birga uni tushunmaslikni ham bartaraf qilish lozim, deyilgan. Agar inson yeyish va ichishga bo'lgan maylidan kechsa, halokatga yuz tutadi. Yoki nikohni tark etsa, nasli yoqolishi mumkin. Xullas, axloq qaysidir maylini yoqotish emas, balki uni mo'tadil ushlab turish harakatidir.

Xullas, millatning o'ziga xosligi ajdodlar ta'limoti, tarixiy saboqlari va ular ta'sirining pirovard zamiriga qo'yilgan fikrlarning mazmun va mohiyati bilan chambarchas bog'liqdir. Bu borada, albatta, ijtimoiy-siyosiy holat, ta'lim-tarbiya majmui, milliy intellektual salohiyat, ijtimoiy birdamlik va boshqalar milliy mafkuramizning dunyoviy mohiyatini belgilashini ko'zdan qochirmsligimiz kerak.

and social sciences, 1(9).– P.880-885.

معيار الاخلاق. غلام حسن آرفجانوف متعنى. تاشكند، ١٩١٢. 2 – عبد الرحمن سياح تاشكندى (Abdurahmon Sayyoh Toshkandi – Me'yor ul-axloq. – Toshkent: Gulom Hasan Orifjonov matbaasi, 1912)

# ҚУШАЙРИЙНИНГ “НАҲВ УЛ-ҚУЛУБ” РИСОЛАСИДАГИ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

ДАВРОНБЕК ҚОДИРОВ  
Бухоро давлат  
университети, PhD

**Аннотация:** Ушбу мақолада X-XI асрларда яшаган мутафаккир Абулқосим Абдулкарим Кушайрийнинг “Наҳв ал-қулуб” асарида тасаввүфнинг наҳв илми, яъни араб тили грамматикаси билан боғлангани таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** тасаввүф, грамматика, фалсафа, наҳв, сарф, ибора, ишора.

**Annotation:** This article discusses the views of the thinker Abulqasim Abdulkarim Kushayri, who lived in the 10th-11th centuries, who in his work entitled "Nakhv al-Kulub" combined Sufism with the science of Nakhv – the grammar of the Arabic language. **Keywords:** Sufism, grammar, philosophy, Nakhv, Sarf, Ibara, Ishara.

**Аннотация:** В данной статье анализируется связь суфизма с наукой Нахв, то есть грамматикой арабского языка, в произведении «Наҳв аль-Кулюб» мыслителя Абулкасима Абдулкарима Кушайри, жившего в X-XI веках. **Ключевые слова:** суфизм, грамматика, философия, наҳв, сарф, ибара, ишара.

Ўрта аср Шарқдаги уйғониш даврида илм-фан аҳли доирасида барча фанлар ўзаро боғлиқ деган қараш кенг тарқалган эди. Унга мувофиқ, барча фанларнинг қоидалари умумий асосга таянган ва бир-бираини тўлдирадиган ягона фаннинг таркибий қисмлари эди.

Мұмтоз илм-фан доираларида фанлар кўп соҳаларни қамраб олса-да, бир хил усул ва қоидаларни турлича ифодалайди деган фараз мавжуд эди. Шу сабабдан илм аҳли орасида бир илмдан баҳра олиш бошқасидан баҳра олишга олиб келади деган тушунча шаклланган.

Шарқ Ренессанси қомусий олимларининг аксарияти ҳар қандай масала тўғрисида гапиришдан олдин унинг илдизига эътибор бериш лозим, деб таъкидлаган. Худди шундай қарашни тасаввүф олими, мутафаккир ва файласуф Абулқосим Абдулкарим Кушайрий ҳам илгари сурган.

Алломанинг бу қараши “Наҳвул қулюб”, яъни “Қалблар грамматикаси”асарида ҳам ўз аксинитопган. Кушайрий ушбу рисоласида тасаввүфни араб алифбоси ҳарфлари – илми ҳуруф билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қиласди.

Мутафаккирнинг араб грамматикасига хос бўлган асмо, ҳарф, исм ва феъллардан сўз очиши “Наҳв” асарининг илми ҳуруф билан боғлиқлигидан далолат беради. Асарнинг муқаддимаси шундай бошланади: “Ҳикматни унинг аҳлига берган, Одамга барча исмларни ўргатган, уни вужуд доирасидан мақсадига етказган, шаклу шамойилини юксалтирган, одам фарзандига ҳарфларнинг ҳарфини ўргатган, ашёлар исмини баён этган, ўз исми ва амалларини ошкор этган Аллохга ҳамд бўлсин” [1:119].

Кушайрий шундан сўнг унинг мақсади тасаввүфга наҳв

илми нуқтаи назаридан ёндашиш эканини таъкидлайди. Нахв ниятдан иборат бўлиб, инсонлар ҳам ўз нияти ва мақсадига кўра турличадир деб келтиради. У тилнинг гўзаллиги ҳам уни билиш даражасини кўрсатади, шутуфайли баъзи инсонлар сўзларнинг тури мъносини кидиришда ўз маҳоратини намоён этишини мақсад деб билади, дейди.

Кушайрий сўз ахлининг бир қисмини ахлул-ибора ва иккинчи қисмини ахлул-ишора деб атайди. Бунда у ахлул-ибора деганда “лугавийон”, яъни лингвистларни тушунади. Ахлул-ишора деганда эса у ботин илми олимлари ёки сўфийларни назарда тутади. Мутафаккир ўз асарида ахлул-ибора фойдаланадиган ҳар бир сўзнинг таърифини беради. Сўнгра сўфийларнинг тасаввуфона таърифини баён қилишга ўтиб, ишорат илмida қайси атамаларни кўллай олиш мумкинлигини баён қиласди.

Кушайрий фикрига кўра, сўз ва иборалар ҳол ҳамда ҳаракат тилининг ишоралари бўлиб, ишоралар етарлича бўлмаган пайтда лисонга киради. Сўфийлардан Абу Бакр Воситий (ваф. 930): “Аввалги сўфийлар ишоралар билан гапирап эди ва уларни ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмасди, сўнг уларнинг даражаси пастга тушди, сирлилиги йўқолди ва амалда хатти-ҳаракатни бошлади, шунда уларнинг даражаси янада пастлади ва ҳасратидан бошқа нарса қолмади”, дер экан, мавжуд тартиб-қоидалардан сўфийлар чекингнига ишора қиласди [2:442].

Кушайрий “Нахв” рисоласида ахлул-ибора каломни уч қисмга – исм, феъл ва ҳарфга, ахлул-ишора ҳам учга – ақвол, ағфол ва ахволга бўлишини айтади. Сўзлар (ақвол) ҳам илм бўлиб, у амалларнинг (ағфол) муқаддимасини ташкил этади. Кушайрий амалларни ислоҳ қилишга шошилиш ва уни Худо истагига кўра бажариш кераклигига урғу беради. Шундан кейингина Худодан мавҳиба, яъни инъом бўлган ҳоллар келади, деб таъкидлайди. Бу ерда ўша сўз инсоннинг мусулмонлигига ишора қилиб, яхши ҳол ва амаллар имондан сўнг келадиган сифат эканини жуда аниқ тарзда тушунириади.

Кушайрий ахлул-ибора сарф соҳасини (маҳалл) тўққиз категорияга бўлиб ўрганишини айтиб, уни жам, сарф, васф, таънис, маърифа, накира каби қисмларга ажратади. Аммо у ахлул-иборага кўра атамаларга таъриф бермасдан, тўғридан-тўғри ахлул-ишорага кўра таърифлайди. Мутафаккир истилоҳларни ўзига мос ифодага мувофиқ тавсифлаб, коннотациянинг мъносига кўпроқ мос келадиган иборага кўра тасвирлайди. Бунда Кушайрий ўзи танлаган мавзуни “олим” ва унинг кўлидаги бойликни “сарф” этиш шаклида ифодалайди.

Мутафаккир фикрига кўра, жам (араб тилида: кўплик) – бу олимнинг дунё молини ўйнишдан қочиши ва бу фазилатига таҳсис ўқиган одамларнинг унга таважжуҳи, яъни илтифотидир. Сарф (арабчада: илдиз топиш ва калима туслаш) эса ҳалкнинг ундан ўз ўғиришидир.

Яна бир тушунча васф (сифатдош) бўлиб, бу олимнинг мақсади ҳайрли амал билан эсланиши ва у билан танилишидир. Кушайрий таънис (муаннаслик, исмнинг аёл жинси) азмиятнинг заифлиги ва разилатга рози бўлиш эканини таъкидлаб, маърифа-накира (исмнинг аниқ ва ноаники ҳолати) мавзусига ўтади. Унинг фикрича, маърифа-накира ҳолати олимнинг Аллоҳ неъматларини билишидан сўнг шукр чўққисига етишидир. Шунинг учун ҳам олим агар илмини яшиrsa, Аллоҳ неъматларини инкор қилган бўлишини ҳис қиласди. Бу ерда Кушайрий “калимани билиш ҳоли” бўлган “маърифат” билан тасаввуфдаги “Аллоҳни сифат ва исмлари билан таниш, доимо унга муножот – илтико ҳолида бўлиш, амаллари билан уни тасдиқ этиш, ёмон одатлардан сақланиш, қалбни фақат унга бериш ҳоли” мъносини англатувчи маърифатни, яъни олим банданинг Худо неъматларини билишини таърифламоқчи бўлади [3:93].

Кушайрий маърифат ҳақида шундай мълумот беради: “Ислам ё маърифа, ёки накира бўлади. Бандалар ҳам худди шундай. Улар орасида муаррафлари (арабчада “аниқ бўлган”) бор. Сўфийлар наздида муарраф бандаларнинг

мъаруф (мълум) бўлиши бир насибадир. Ўзи билан мавсуф (васф этилиши ёки гр.от туркуми) бўлиши эса сидқ мақоми (васфи)дир. Бошқа томондан, сўфийлар назарида ҳеч қандай насибаси бўлмаган, ухлаш ва емоқдан бошқа иши йўқ мункар бандалар (накира) ҳам бор” [1:113].

Шунингдек, Кушайрий олимнинг тўғри йўлдан озишини адл тушунчasi билан изоҳлайди. Олим илмини жаҳолат белгиси деб талқин қилинадиган ишлар билан қоришиб кетишини таркиб (сўз тузилиши) тушунчasi билан тавсифланади. Адл масаласини Кушайрий “Ал-оламул маъдул” – адолатли олам масаласига ишора сифатида баён этган.

Мутафаккир кўриб чиққан яна бир масала “алиф” хисобланади. Сўфийлар фикрича, “алиф” мажхул бўлиб, ҳаракатни қабул қилмайди. Ҳақиқат бўйини туйганларга кўра, алиф ҳарф эмас дейди мутасаввиф. Алиф ҳарфи тасаввуф адабиётида Зоти Аҳадиятни ифодалайди. Нуқтадан алиф ва алифдан бошқа ҳарфлар пайдо бўлганнидир. Барча мавжудотларнинг Аллоҳдан (Бирдан) пайдо бўлиши бошқа ҳарфларнинг алифдан вужудга келишига ўхшайди. “Алифи васл” билан фано ҳоли ўртасида боғлиқлик бўлиб, икки калима ўртасидаги васлни таъминлайдиган “алифи васл” келган вақтда ҳарфнинг йўқолгани каби, сифат ва Зоти Илоҳий бир-бири билан васл ҳолида соликнинг сифати ҳамда вужуди абдонийси (бандалик билан боғлиқ вужуди) ҳам мағлуб бўлади.

Кушайрий алиф деганда, “ана” (мен) сўзининг алифи эканини назарда тутади. Тасаввуфда бу жам ҳолининг зидди сифатида кўрилгани учун ижобий маъно касб этмайди. Кушайрий таълимоти таъсирида қарашлари шаклланган Ибн Арабийга фикрига кўра эса “ана” жамъ улжамнинг рамзидир. Шу нуқтаи назардан, у “ана” калимасига қўйидагича мурожаат қиласди: “Мен анага мурожаат қилдим, аммо унга жавоб эшитмадим. Шунда ҳузурдан тард (чиқиб кетиш) этилишдан кўрқиб: “Эй Ана! Нега менга жавоб бермаяпсан?” дедим. У менга деди: “Эй ҳукмга қарши чиққан! Агар сен мени чақирганингда, мен жавоб берган бўлардим; сен эса “ананият” (менлик)ни чақирдинг. Бас, ўзинга ўзинг жавоб бер”. Мен дедимки: “Эй Ана! Мен ана демадим, “ана”ни “ана” билан кўпайтиришдан “ана” келиб чиққандир. Менда бўлиши сабабидандир. Аслини олганда, 1 ни 1 га кўпайтирасак, 1 га тенг бўлар”. Ана деди: “Тўғри сўйладинг. Бас, менинг номимга ўзингдан ўзинг жавоб бер ва мендан жавоб кутма”. “Ананиятинга дегинки, Биз жавоб берармиз. Мен абадиян сенга “ана”да зоҳир бўлмасман. Мени у билан чақирма. Чунки у билан чақирмоқ айрилиқ белгисидир. Агар айрилиқ бўлсагина, чақиришга изн берилади. Ва ана жамъ ул-жам билан аҳадиятга йўл очади. Шундай экан, сен қандай қилиб Бизни “Эй Ана!” деб аташинг мумкин? Мен сенга: “Ҳаким (ҳикмат соҳиби) бўл, ҳол соҳиби бўлма” демадимми? Чунки ҳаким ҳокимdir (устундир), аммо ҳол соҳиби ўз ҳолининг ҳукмронлиги остида маҳкумdir. Не бўляптики, сен тушунмаяпсан? Шунинг учун айт: Эй Раббим, илмимни зиёда қилигин” [5].

Кушайрий назарда тутган бошқа бир ҳарф “нун” ҳарфидир. Мутафаккирда нун ҳарфи “битна” (кўп овқат ейишдан шишиб кетиш ҳолати) сўзининг нунидир. Шу нуқтаи назардан, сўфийлар томонидан мазаммат этилган қорин тўклиги ёки бойлик кўплигидан севиниш ҳисси тушунилади. Шу сабаб, инсоннинг бу ёмон хислатлардан покланиши учун қиллати таом, қиллати калом ва қиллати маном (кам ейиш, кам гапириш ва кам ухлаш)дан иборат бўлган риёзат ҳамда муҳоҳадага юзланиши доимо тавсия этилади.

Тасаввуф адабиётида Ҳазрати Аҳадиятдаги умумлаштирувчи илмни ифодаловчи нун Ибн Арабий фикрига кўра, ягоаликни тамсил этади [6]. Нун ҳарфининг мим ҳарфи билан кўшилиши, сакр – илоҳий сархушлик ҳолатидаги соликнинг Ҳақда ғойиб бўлишига ўхшайди.

Вазнул-феъл (араб тилида феълнинг уч замондаги кўриниши) эса, Кушайрий фикрига кўра, инсон ағъоли – амалларнинг ўлчови бўлиб, уни ужб (ўзини севиш) баробарида келтиради. Агар кишида бу икки иллат – касаллик

бирлашса, бу банда қабулга мунсариф бўлолмайди ва вусул дарвозасидан инҳироф (четга чиқиб) этган ҳолда, усульнинг (аслларнинг) аслига қайтади. Кушайрий бу ерда арабча атамаларни жумла ичидан берип, иллатли бўлиш, мунсариф бўлиш каби арабча қоидаларни тасаввуфий ифода билан баён қиласди. Агар араб тилида иллатли бўлган икки ҳарф бирга келса, бу калима ғайри мунсариф бўлади. Тасаввуфда эса матнда зикр қилинган икки иллатли – мазмум ҳол, яъни “инсоннинг” ўзи қилаётган ишини кўриши ва ужби (ўзини ёқтириши) бирлашса, демак, инсон фано ҳолидан албатта узоқдадир.

Сўфиийдан изланадиган нарса ўзини ва амалини кўриш эмас, балки тавҳид ҳолини кечириши, ҳамма нарсани “Унда ва У билан” кўриши, яъни фано ҳоли ҳисобланади. Фано сўзининг биринчи маъноси банданинг мазмум ва ёмон сифатлардан ҳолос бўлиши, “унинг башарий борлигини ёқидиган хирс ва шаҳват оташини” ўчириши ҳамда қилган ишини кўра олмайдиган ҳолда бўлишидир[2:67].

Кўриб турганимиздек, Кушайрий “сарф маҳаллари” мавзусини тасаввуфий тушунчалар орқали муваффақият билан бирластириб, ҳар икки илмни билган инсонлар тушуна оладиган даражада ўрганганди.

Накшбандия тариқати силсиласидаги Тус ва Нишопурнинг машҳур сўфиийларидан бири Абу Али Фармадийдан (1084 й.в.э.) сабоқ олган фаззолийда ҳам шундай таърифни кўришимиз мумкин. Фаззолий “Минҳожул ориғин” рисоласида “Иъробул куслуб” – қалбларнинг иъроби ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: “Иъробул куслуб тўрт турдир: рафъ, фатҳ, ҳафд ва вақф. Қалб рафъи зикрulloҳdir. Қалб фатҳи Аллоҳдан рози бўлишидир. Қалб ҳафди қалбнинг Аллоҳдан бошқаси билан иштиғолидир. Вақф эса Аллоҳдан

ғафлата бўлишидир. Раъф аломати учта: Аллоҳ амрига мувофақатнинг бўлиши, мухолафатнинг йўқлиги, шавқнинг давом этиши. Фатҳ аломатлари ҳам учта: таваккул, сидқ ва яқин. Ҳафд аломати ҳам учта: ужб, риё ва ҳирски, бу дунёни кўришидир. Вақф аломати ҳам учта: тоатдан келадиган лаззатнинг йўқолиши, маъсият аччиқлигини хис этмаслик ва ҳалолни (ҳаромга) аралаштириш” [4:230]. Фаззолийда ҳам Кушайрий каби нахъв илмига тасаввуфони ёндашувни кўриш мумкин.

Кушайрий араб тилида тамайиз (чеклаш)нинг одатда сўз якунида келганидек, сўфиийлар ҳам аввал динни англайди, деб айтади. Сўнг улар инсонлардан узоқлашиб, илмини мустахкамлайди. Кейин эса инсонлар орасида “тамайуз” этади, яъни юксак қадр-қимматга эга бўлади.

Мутафакир сўфиийларнинг тамайиз даражаси тугагач, Ҳақ уларни бошқа бандаларини ислоҳ қилиши учун масъул этиб тайинлайди, деб таъкидлайди. Яъни, Ҳолиқ уларни бошқа инсонлардан тамайиз қилиб, уларни севгани сабабидан ўзига хос дўст этади. Кушайрий Қуръонда келтирилган “Аллоҳ ҳабис – нопокни покдан ажратиш учун...” (Оли Имрон:179) оятидаги тамайиз ҳам худди шу маънода қўлланганига ишора қиласди.

Хулоса қиласдиган бўлсак, Кушайрий араб тили қоидалари билан тасаввуфий тарбия ўртасидаги узвий боғлиқликни кўрсатар экан, комил инсон тарбиясига аҳамият қаратади. Инсоннинг ўз табиатидаги иллатлардан ҳолос бўлиши аввал илм орқали англаш, сўнгра хулқдаги ёмон сифатларни ислоҳ этиш орқали амалга оширилади. Алломанинг ўзига хос фалсафий қарашлари ҳозирги кунда ҳам ёшлар тарбиясида мухим аҳамият қасб этади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- الشبيري، نحو القلوب. القاهرة، دار الكتب، 2008. ص 119.  
الشبيري، رسالة ببروت، دار الخبر، 1993. ص 442.  
السهروردي، عوارف المعرف. بيروت، دار الكتب العلمية، 2005. ص 93.

مجمعۃ رسائل الامام الغزالی. منهاج العارفین. المکتبۃ التوفیقیۃ، القاهرۃ، 4.

230. 2009

5. Ibnu'l- Arabī, Kitābu'l-Yā, v.187a-187b.

6. Ibnu'l- Arabī, Kitābu'l-Bā, no.4868, v.5a.

# ХИВА ТАРИХНАВИСЛАРИНИНГ XVI-XIX АСРЛАРДА ХОРАЗМ ВА ДАШТИ ҚИПЧОҚ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД АСАРЛАРИ

АКМАЛ ЯКУБОВ

Самарқанд давлат  
университети, PhD

Ф.РЎЗИБОЕВ

СамДУ талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Хива тарихнавислари асарларида келтирилган Хоразм ва Даشت қипчоқ кўчманчи ва ўтрок ахолиси ўртасидаги алоқаларга оид маълумотлар таҳлил қилинган. **Таянч сўзлар:** манба, қабила, Шайбоний, Хоразм, Бухоро, Чингизнома, тарихнавислик.

**Annotation:** This article analyzes the information related to the contacts of Khorezm with the steppe nomads-Kipchaks and the peoples of the steppe, presented in the works of Khiva historiographers. **Keywords:** source, tribe, Shaibani, Khorezm, Bukhara, Chingiznam, historiography.

**Аннотация:** В данной статье анализируются сведения об отношениях между кочевниками Хорезма и Даشت Кипчака и оседлыми жителями, приведенные в трудах хивинских историков. **Ключевые слова:** источник, племя, Шайбани, Хорезм, Бухара, Чингизнама, историография.

Хива хонлигининг XVI-XIX аср бошларидағи тарихини ўрганишга биринч навбатда маҳаллий тарихчilar, Хоразм тарихнавислик мактаби асосчилари, муаррих ва солномачилар жиiddий ўтибор қарратган. Хивада яшаган ва хонликда содир бўлган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг шахсан гувоҳи бўлган Ўтамиш Ҳожи [18], Абулғози Баҳодирхон [5], Муҳаммадёр ибн Араб Қатаган [13], Шермуҳаммад Мунис [9], Муҳаммад Ризо Оғаҳий [11], Муҳаммад Юсуф Баёний [12], Сайд Ҳомиджон тўра Комёб [15] каби муаллифларнинг асарлари мухим ўрин тутади.

Ўрта Осиёда ҳукм сурган Шайбонийлар тарихига атаб ёзилган асарлар Темур ва темурийлар даврига нисбатан анча кам етиб келган. Хоразмлик муаллиф томонидан туркий тилда ёзилган шайбонийлар даврига оид илк асарлардан бири “Чингизнома”дир.

“Чингизнома”нинг бугунги кунда ягона нусхаси Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади [17]. Асар муаллифи Ўтамиш Ҳожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўст бўлиб, асарда у отасини “Муҳаммад Дўсти ҳазрати хоқон” деб ҳам танитган.